

**АХОЛИГА НАРКОЛОГИК ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИГА  
БЕЛГИЛАНГАН УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР**

**Бахромжон Баҳтиёрович Турғунбаев**

Ўзбекистон Республикаси, ИИВ Малака ошириши институти ўқитувчиси

**Аннотация:** Уибу мақола амалдаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тақомиллаштириши, уибу соҳадага янги төхнологияларни жорий этиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг саъйҳаракатларни янада самаралироқ бўлишига хизмат қилиши билан бирга жамиятнинг барқарор ривожланиши, маҳаллалар, оиласаларнинг тинчлиги ва осийишталиги таъминлашдан иборатdir.

**Калит сўзлар:** каннабис, кўкнори, марихуана, гашиш, алкоголь, гиёҳвандлик воситалар, опий, наркотик, наркология.

**Аннотация:** Данная статья направлена на совершенствование действующих нормативно-правовых документов, внедрение новых технологий в этой сфере для повышения эффективности усилий правоохранительных органов, а также для обеспечения устойчивого развития общества, мира и спокойствия соседей, семей.

**Ключевые слова:** конопля, мак, марихуана, гашиш, алкоголь, наркотики, опиум, наркотик, наркология.

**Abstract:** This article aims to improve existing regulatory legal acts and introduce new technologies in this area, which will help to make the efforts of law enforcement agencies more effective, as well as ensure the sustainable development of society, peace and tranquility of neighborhoods and families.

**Keywords:** traffic, pedestrians, signs, intersection, lines, intersection, traffic signs.

Алкоголь, гиёҳвандлик воситаларини истъемол қилиш барча ҳалқлар ва элатлар орасида турли даражада тарқалган. Бу ёмон иллатга қарши қурашибар доим ҳам кўзланган натижани беравермайди.

Ички ишлар органлари ходимлари томонидан тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига жамоат жойларида (яшаш жойидан олиб бориш бундан мустасно) масти фуқароларни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб бориш учун қуидаги мезонлар асос бўлиши лозим:

шахснинг мақсадли ҳаракатлар содир этиш ёки ўзи мустақил ҳаракатланиш қобилиятини йўқотганлиги (бирор жойда ётган ёки ўтирган ҳолати);

шахснинг уйқучанлиги, уйғотишнинг қийинлиги;

шахснинг тикка ҳолатда мустақил турла олмаслиги;

нутқининг ноаниқ, тушунарсиз, ўзаро боғлиқ бўлмаган узук-юлуқ алоҳида сўзлардан ташкил топиши;

саволларни яхши тушунмаслиги, ўзининг қаердалигини аниқ англаб етмаслиги.

Бундан ташқари ички ишлар ходими:

мастлик ҳолатидагиларнинг шахсини аниқлайди; мастерлик ҳолатидаги шахсларга нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг, шунингдек уларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи хавфнинг олдини олиш мақсадида уларга биринчи ёрдам кўрсатади; зарурат туғилганда (мастерлик ҳолатидаги шахснинг хушсизлиги, кома ҳолатидалиги, оғир тан жароҳати олганлиги ёки ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солаётган бошқа ҳолатларда), улар аниқланган жойга зудлик билан тез тиббий ёрдам бригадасини чақиради; тез ёрдам бригадасини келиш имкони бўлмаган тақдирда, юқорида кўрсатилган шахсларни тиббиёт муассасаларига ўз хизмат автомашиналарида етказиб боради, бу ҳақда ички ишлар худудий органининг навбатчилик бўлимига хабар беради, навбатчининг кўрсатмаларига мувофиқ харакат қиласи; мастерлик ҳолатида бўлган шахсларнинг шахсий мулки хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради.

Таркибида гиёхвандлик воситаси мавжуд бўлган ўсимликлар асосан икки турга бўлинади:

1.Каннабис (маҳаллий тилда Наша деб аталадиган ўсимлик).

2.Кўкнори.

Каннабис ўсимлиги – бир йиллик ўсимлик ҳисобланиб, новдаси тўғри, асоси думалоқ шаклда, ўрта ва юқори қисмлари қовурғасимон, новдасидан томонларга шохчалар отган ва улардан барглар тўғри ҳолда униб чиққан кўринишга эга.

Каннабис ўсимлигининг баландлиги 3 метргача (2 м 80 см) бўлиб, вегитация даражаси энг юқори паллага чиққандан август-сентябр-октябр ойларига бориб таркибидаги гиёхвандлик моддалари ҳисобланган тетрагидроканнабинол (ТГК) ушбу ўсимликларда пайдо бўлган гулмуғжаларда йигила бошлайди. Каннабис ўсимликлари ердан униб чиққандан бошлаб, уларнинг барча қисмлари ТГК бор бўлади.



Каннабис (наша) ўсимлиги

Каннабис қадимиј ўсимлик бўлиб, унинг асл ватани Осиё ҳисобланади. Шу сабабли бизда уни яширип экиш ҳолатлари тез-тез учраб туради.

Каннабис (Гиёхвандлар тилида номланиши: дур, план, клевер, сено) ўсимлигининг юқори қисми, қуритилган барглари ва уруғларидан иборат бўлган йигим. Унинг ранги барг рангига ўхшаш ёки хира яшил рангли бўлиши мумкин.

Марихуана – каннабис ўсимлигининг юқори қисми, майдаланган барглари, гуллари, ғунчалари, майда шохчалари, ўзак поясидан ташқари баъзида бир неча

уруглари, ўзида фаол гиёхванд модда тетрагидроканнабинол (ТГК) мавжуд бўлган қуруқ ёки нам ҳолдаги кўринишидир.

Ташқи кўриниши: қуруқ ёки қуруқ бўлмаган ҳолдаги ўсимлик хомашёси, ранги оч-яшилдан қўнғир рангача.

Асосан, чекиб ёки чайнаб истеъмол қилинади. Истеъмол қилинганда эйфория, борлиқни ранг-баранг қабул қилиш, фикрлашнинг тезлашиши, ҳирсий хусусиятларнинг кучайиши пайдо бўлади. Бундан ташқари, психосенсор ўзгаришлар, иллюзиялар (кичик ариқ худди катта дарёга ўхшаб, секин овозлар гумбурлашдек, шовқиндеқ туюлиши), деперсонизациялар (ўз тана аъзолари инкор этиш) учрайди.



Марихуана гиёхвандлик воситаси

Гашиш - (Гиёхвандлар тилида номланиши: опикили, дур, чернушка) канабис ўсимликларининг қисмларидан олинган, қуритиб майдаланган марихуанани турли хил йўллар билан қайта ишлаш йўли билан олинади.


Ташқи кўриниши: майдаланган ҳолдаги ўсимлик хомашёси, пресланган таблетка, тугма-дори, плитка, чўпсимон, гувалачасимон ва сақичсимон шаклларда. Ранги тўқ-яшилдан тўқ-қўнғиргача.



Гашиш гиёхвандлик воситаси

Гашиш мойи – канабис ўсимлигининг ҳар-хил кўриниши ва турлари

қисмларидан экстракция (турли эритмалар ёки ёғлар ёрдамида) усулида ажратиб олинган ўзида фаол гиёхванд модда ТГК мавжуд бўлган аралашма ёки қовушқоқ массадир.



Гашиш мойи

Ташқи кўриниши: суюқ кўринишидан қовушқоқ масса кўринишигача.

Ранги яшилдан қўнғир ранггача.

Кўкнори лотинча номи-Papaver somniferum L

Кўкнори ўсимлиги – бир йиллик, йирик кўринишдаги ўсимлик ҳисобланиб, бўйи ярим метрдан 2 мертгача (50-200 см.гача) бўлиб, ўзаги ўт билан қопланган, зангорикўк ранг кўринишида бўлади. Кўкнор яшил рангли кенг ва япалоқ баргли ўсимлик бўлиб, ўсимлик пояси шохларининг юқори қисмларида аввал турли хил ранглардаги япроқлари бўлган гуллар ва гулмуғжалар пайдо бўлади, улар тушгандан кейин ўрнида айлана овалсимон кўринишдаги кўсаклар, яъни бошоқлар пайдо бўлади. Ушбу бошоқларда бу ўсимликларнинг вегитация даражаси энг юқориги паллага чиқиши арафасида май-июнъ ойларига бориб гиёхванд моддалари ҳисобланган опий гуруҳи алкалоидлари йигила бошлайди. Кўкнор ўсимликларининг бошоқлари етилиб пишгандан кейин пояси шохининг ушбу бошоқлардан 20 см. пастгача бўлган қисмларида гиёхвандлик моддалари ҳисобланган опий гуруҳи алкалоидлари – морфин, кодеин, тебаин йигилади.

Кўкнори пўчоғи (маковая солома) – ўсимликнинг ҳамма турлари ва кўринишлари, уруғидан ташқари, барча қисмлари (бошоғи, шохлари ва барглари)дан иборат бўлган ўзида фаол гиёхванд опий алкалоидлар – морфин, кодеин, тебаин мавжуд бўлган модда.

Ташқи кўриниши: бошоқ ёки унинг майдаланган кўринишида, қуритилган ёки қуритилмаган ҳолатда, ранги оч-кўқдан тўқ-кўқ ранггача ва оч-сарғиши рангдан то қўнғир ранггача бўлади.



### Кўкнорининг пўчоги.

Кўкнори пўчоги экстракти - ўзида фаол гиёхванд опий алкалоидлар – морфин, кодеин, тебаин мавжуд бўлган пишган ва пишиб етилмаган барча турдаги кўкнори бошогидан ажратиб олинган ширасини экстракция йўли билан сув ёки органик эритувчилар ёрдамида ажратиб олингани.

Ташқи кўриниши: қаттиқ формасиз гуваласимон ва суюқ ҳолатда, ранги қўнғирдан то қора ранггача.



### Кўкнор пўчоги экстракти.

Опий – кўкнор ўсимлиги бошоқлари етилиб пишиши арафасида учи ўткир жисмлар ёрдамида кесилиши натижасида бошоқлардан опий моддаси ажралиб чиқади ва уни йифиб олиш натижасида олинади. Аввал оқ рангли қаймоққа ўхшаш модда бошоқларидан сизиб чиқади ва иссиқлик, ҳамда ташқи муҳит таъсирида вақт ўтиши билан қорайиб қўнғир, қора-қўнғир ва қора рангга киради. Ўзида фаол гиёхванд опий алкалоидлар – морфин, кодеин, тебаин мавжуд бўлган пишган ва пишиб етилмаган барча турдаги кўкнори бошогидан ажратиб олинган ширасидир.

Ташқи кўриниши: малҳамсимон, пастасимон, пластилинсимон ҳамда қуруқ ҳолдаги гуваласимон ва қуқунсимон ҳолатларда, ранги қўнғир рангдан қора ранггача кўринишда бўлади.

Опий (гиёхвандлар тилида номланиши: опиюха, химанка, қорахон) лотинча номи Opium.

Опий таркибида 2-20% алкалоидлар, углевод, каучук, органик кислоталар, тритерпен бирикмалар, пектин, оксил, шиллик ва бошқа моддалар бор. Опийдан 30 га яқин хар хил алкалоидлар ажратиб олинган. Опийнинг асосий алкалоидлари морфин (4-21 %), наркотин (10-18%), кодеин (1-3 %), папаверин (0,5-1,5%) ватебаин (0,4-1%).



## ОПИЙ

Героин (Гиёхвандлар тилида номланиши: гер) Савдодаги номланиши Диацетилморфин, Героин биринчи марта 1874 йидда морфиндан олинган. 1898 йилда Байер компанияси биринчи бўлиб оғрикли колдирувчи восита сифатида ишлаб чиқара бошлаган. Сунъий усулда олинадиган гиёхвандлик воситаси. Тоза героин оқ кристалл, аччиқ тамли моддадир.

Героин – кўқнор ўсимлиги бошоқларидан олинган опий моддасини кимёвий йўл билан маҳсус лабораторияларда органик бирикмалар ёрдамида қўлбола усулда ва бошқа кимёвий йўллар билан қайта ишлаш усули билан олинади. Опийнинг таркибида мавжуд бўлган морфиндан олинадиган, таркибида диацетилморфин гиёхвандлик хусусиятига эга бўлган синтетик моддадир.

Ташқи кўриниши: оқ рангдан жигаррангтча. Кўпинча ун ва крахмаллар аралаштирилган ҳолларда учрайди.

Героин гиёхвандлик воситаси гиёхвандлар томонидан инъекция (шприц орқали) ва чекиш орқали қабул қилинади. Ушбу модда инсон ҳаёти учун хавфлилик даражаси бўйича биринчи ўринда туради. Героин гиёхвандлик моддасига жисмоний қарамлик охирги қабул қилинган вақтдан 10-20 соат ўтгандан сўнг бошланади. Инсон ўз ҳоҳиши билан ушбу қарамликтан қутулолмайди.



## Героин

Кокаин – жанубий Американинг Андеан тогли худудида ўсадиган “Кока” номли ўсимлик баргидан тайёрланиб, алкалоидлар туркумидаги модда ҳисобланади. Кока баргларига керосин билан ишлов берилганда пастасимон модда пайдо бўлади. Ушбу пастага хлорид (соляная) кислотаси қўшилганда туз-кокаин гидрохлориди ҳосил бўлади. Рангиз, аччиқ таъмли, сувда яхши эрийдиган майдатриналл кўринишида бўлади. 1860 йилда кашф этилиб, 20 йилдан сўнг тиббиётда оғриқсизлантирувчи сифатида фойдаланилган. Асосан, тери остига, венага юбориб, кўп ҳолларда ҳидлаб истеъмол қилинади. Истеъмол қилинганда, фикрлаш қобилиятининг кучайиши, сергаплик, ҳаракатчанлик билан ўтадиган эйфория ҳолати кузатилади. Оқибатида, дармонсизлик, жаҳлдорлик, мушаклар бўшашуви ва титрок ҳолатлари келиб чиқиб, чукур шахс ўзгаришлари ривожланади. Сурункасига истеъмол қилинса психозлар келиб чиқади.

“Крэк” – кокаиннинг кўчадаги номи бўлиб, аммиак, бикарбоант содаси (ош содаси) ва сувдан фойдаланилиб, тайёр маҳсулот ҳолатига келтирилади. Сўнг, гидрохлорид тузлари қайнатиш орқали йўқотилади ва чекишга тайёр бўлади.

Наркотик “крокодил” (дезоморфин) – таркибида кодеин мавжуд бўлган препаратлар, бензин, йод, майший аралашмалар (растворитель), фосфорлар аралашмасидан тайёрланиб, тайёрланиш жараёнида металларни тайёрлашда ишлатиладиган кучли заҳарли моддалар ишлатилиши билан тез орада (бир неча ой) ўлим келтириб чиқариши билан хавфлидир. Ушбу наркотик воситага “крокодил” деб ном берилишига сабаб, уни инъекция орқали қабул қилган инсон аъзосида яра ва емирилиш пайдо бўлиб йиринглайди ва терини шу шикастланган жойи тимсоҳ терисига ўхшаб қолади. Ушбу наркотик восита 2000 йилда аниқланган бўлиб, 2005 йилдан гиёҳвандлар орасида оммалашиб кетган. Крокодил наркотик воситаси қарамлик келтириб чиқариш даражаси бўйича икки марта истеъмол қилишнинг ўзи етарли бўлади. Хавфлилик даражаси бўйича героиндан кейинги иккинчи ўринда туради. Натижада ушбу наркотик воситани гиёҳвандлар томонидан истеъмол

қилиниши оқибатида гиёхвандларда охири ўлим билан тугайдиган яралар ва емирилишлар пайдо бўлиши кузатилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрда “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ти ЎРҚ-644-сон қонунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг наркологик ёрдам соҳасидаги ваколатлари:

наркологик ёрдам соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқишида ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

наркологик ёрдам соҳасидаги тармоқ дастурларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

фуқароларнинг, аввало ёшларнинг психоактив моддаларни нотибий равишида истеъмол қилишига имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлайди ва бартараф этади;

психоактив моддаларни истеъмол қилувчи шахсларни аниқлайди ва уларни тиббий текширувдан ўтишга олиб боради;

соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг хулосалари асосида наркологик касалликларга чалинган шахсларни профилактик ҳисобга олишни амалга оширади;

наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш учун хужжатларнинг расмийлаштирилишини таъминлайди, шунингдек ушбу шахсларни суднинг қонуний кучга кирган қарори асосида наркология муассасаларига олиб боришга кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасига мувофиқ ўзига нисбатан тиббий йўсингдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахсларни жазони ижро этиш тизимининг ихтисослаштирилган муассасаларида мажбурий даволашни амалга оширади;

наркологик касалликларга чалинган, наркология муассасаларида даволаниб чиқсан, шу жумладан мажбурий тарзда даволаниб чиқсан шахслар устидан кузатувни ташкил этади ҳамда уларни ишга жойлаштиришга ва уларнинг майший мослашувига кўмаклашади;

наркологик касалликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи ҳамда наркологик ёрдам кўрсатувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 майда “Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПҚ-244-сон қарорига мувофиқ:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий равишида даволаш тартибини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклифларига розилик берилди:

а) ички ишлар органларига ўз ташаббусига кўра наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш юзасидан ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш хуқукини бериш;

б) 2023 йил 1 январдан бошлаб:

наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш бўйича барча тиббий текширувларни наркология диспансерларининг ўзида, зарур ҳолларда бошқа муассасаларда амалга ошириш;

наркология диспансерларидаги мавжуд койкалар ҳақидаги маълумотларни реал вақт режимида олиш имкониятини яратиш.

Ички ишлар вазирлиги ва Олий суднинг наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги ишларни электрон тарзда судларга юбориш ва судлар томонидан уларни видеоконференсалоқа режимида кўриб чиқиши мумкинлиги ҳақидаги таклифи маъқулланди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан наркология диспансерлари ёки туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасаларига олиб келинган пробация назоратидаги шахсларни алкоголли ичимликлар, гиёхвандлик воситалари таъсирида ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда эканлигини аниқлаш бўйича тиббий текширувдан ўтказиш тартибини жорий этади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда наркология диспансерларидаги мавжуд бўш койкалар сони тўғрисида маълумотларни реал вақт режимида олиш имкониятини берувчи ахборот тизимини ишлаб чиқсин ҳамда Олий суд ва Ички ишлар вазирлигига ушбу тизимдан фойдаланиш имкониятини яратади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда алкоголли мастлик ҳолатида бўлиб, мустақил ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган ёки қаердалигини аниқ англаш етмайдиган шахсларни (бундан алкоголдан оғир заҳарланиш ҳолатлари мустасно) пунктларга етказиш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини назарда тутувчи Хукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия пунктларда ходимлар хавфсизлигини таъминлаш, қўриқлаш хизматини ташкил этиш ва видеокузатув мосламаларини ўрнатиш чораларини кўради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 04 ноябрда “Алкоголь, гиёхвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 644-сон қарори билан тасдиқланган “Алкоголь, гиёхвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлгаи шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисида”ги низомга кўра:

ички ишлар органлари ходимлари томонидан алкоголь, гиёхвандлик воситалари таъсирида ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлиб, мустақил

ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган ёки қаердалигини аниқ англаб етмайдиган шахсларни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб борилади.

Ички ишлар вазирлиги жамоат жойларида алкоголь, гиёхвандлик воситалари таъсирида ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлиб, мустақил ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган ёки қаердалигини аниқ англаб етмайдиган шахсларни ушбу қарор билан тасдиқланган Низом талабларидан келиб чиқиб, тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига етказилишини таъминлайди.

“Сўнгти 5 йилда республика худудида гиёхвандлик, психотроп ва кучли таъсир қилувчи воситалар ноқонуний муомаласи учун жавобгарликка тортилган шахслар орасида ёшлар 74 фоизга ошган. Шундан талабалар ўртасида 21 фоизга, мактаб ўқувчилари орасида 6 баробарга кўпайган. 5 728 нафар ёшлар жумладан, 117 нафар талаба ва 45 нафар мактаб ўқувчиси жавобгарликка тортилган”, – дейди ИИБ.

Наркологик ҳисобга олинган 14 ёшдан 30 ўшгача бўлган гиёхвандлик воситалари истеъмолчилари эса 60 фоизга кўпайиб, 986 нафарга етган.

Хозирда ушбу муаммонинг олдини олиш мақсадида тарғибот тадбирлари кучайтирилиб, ҳар йили февралда ички ишлар органлари томонидан “Ёшлар орасида гиёхвандлик ва психотроп моддаларнинг тарқалишига қарши курашиш” ойлиги ўtkазиб келинмоқда. Аммо, гиёхвандликка қарши курашда жамиятнинг ҳар бир аъзоси бефарқ бўлмастан, жараёнга фаол қатнашмаса, қанча чора-тадбир ишлари олиб борилмасин натижага эришиб бўлмайди.

Хулоса сифатида юқорида кўрсатилган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда амалдаги норматив хуқуқий хужжатларни такомиллаштириш, ушбу соҳадага янги техналогияларни жорий этиш хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг саъйҳаракатларни янада самаралироқ бўлишига хизмат қилиш билан бирга жамиятнинг барқарор ривожланиши, маҳаллалар, оиласарнинг тинчлиги ва осийишталиги таъминланишига эришилади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1.Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2023.

2.Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2023.

3.Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги «Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида»ги ЎРҚ-644-сон Қонуни.

4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 май “Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-244-сон Қарори.

5.<http://mvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ).